

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 28 январь, № 20 (5187) Жума

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

# ЗАМОНАВИЙ, ИШОНЧЛИ, ҚУЛАЙ

***Глобаллашув даврида ҳаво йўлларининг мамлакатлар тараққиётида тутган роли янада ортди. Юртимизда ҳам Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳа ривожига қаратилаётган эътибор кўзланган марраларга эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони соҳа равнақида муҳим дастуриламалга айланганини айтиб ўтиш жоиз.***



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

**Ислоҳот**

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2020 йилгача фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури самолёт паркини модернизациялаш, Ғарбда ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий база яратиш, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини тубдан реконструкция қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида изчил ислоҳотларни амалиётга татбиқ этиш учун мустаҳкам пойдевор бўлди. Таъбир жоиз бўлса, пишиқ моддий-техник базага эга ҳаво йўлларимиз мамлакатимизни глобал ривожланиш макони билан боғловчи мустаҳкам кўприкка айланди ва ушбу мақомга муносиб тарзда фаолият юритиб келмоқда. Зеро, 2010 йил ҳам "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси учун анча баракали келди.

Аввало, ўтган йилда дунёда ўз нуфузига эга "Эйрбас индастри" компаниясининг 6та "А-320-200" русумли самолёти сотиб олинганини таъкидлаб ўтиш лозим. Жаҳон ҳаво майдонида синовдан ўтган, замонавий, ҳар томонлама қулай ва ишончли бундай ҳаво лайнерининг иккитаси 2010 йилнинг июль-август ойларида хизмат қилишни бошлади. Ўзбекистон байроғи туширилган улкан "пўлат қушлар" ёрдамида қисқа давр ичида 883 та рейс амалга оширилиб, 103,3 минг йўловчи ва 340 тонна юк керакли манзилга етказиб қўйилди. Шунга мос равишда самолётлардаги йўловчилар билан бандлик даражаси 80,3 фоиз, юкланиш

(Давоми 2-бетда).

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



# ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

***27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган, 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини муҳокама қилиш кун тартибининг бош масаласи бўлди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий қоидалари ва хулосаларини маъқуллаган ҳолда, булар давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузада қўйилган вазифалар билан мантиқий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини таъкидладилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар Президентимизнинг ҳукумат мажлисидаги маърузаси, моҳиятан олганда, давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида шакллантирилган ва илгари сурилган "ўзбек модели" асосида мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришнинг кенг, пухта ўйланган дастури эканлигини эътироф этдилар. Улар давлат раҳбарининг маърузаси Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси зиммасига алоҳида масъулият юклашини ҳамда бу Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан белгиланган мақсадларга

(Давоми 2-бетда).

**Мўл ҳосил пойдевори**

***Мамлакатимизда кузатилаётган бу йилги ноқулай об-ҳаво шароити биз, фермер ва қишлоқ хўжалиги ходимларини яна бир бор синовдан ўтказаяпти, десак, хато бўлмайди.***

# ФИДОЙИЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Сабаби, қаҳратоннинг айни қирчилламасида ёғингарчиликнинг кам бўлиши ғалла ривожига салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Аммо экин парвариши бўйича ишлаб чиқилган тадбирларни бекаму кўст бажариш, айниқса, уни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга зўр бериш табиатнинг инжиқликларини енгишга, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратишга хизмат қилади.

Бу тажрибани фермер хўжалигимиз фаолиятида қўллаб, масалан, ўтган йили 18 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан ошириб ҳосил олдик. Давлатга ғалла сотиш бўйича шартномавий мажбуриятни бажарганимиз туфайли ўз ҳисобимизда 75 тонна дон қолди. 19 кишилик жамоамиз мазкур ғалладан ҳалиҳануз баҳраманд.

Шулардан келиб чиқиб, ҳосилдорликни оширишнинг асосий йўлларидан бири — чиритилган маҳаллий ўғитдан оқилона фойдаланишда, деб бемалол айта оламиз. Чунки 2010 йилда ҳар гектар ғаллазорга ўртача ўн тоннадан чорва нуриси чиқариш эвазига мўл ҳосил етиштиришга эришиш билан бирга, минерал ўғитга бўлган эҳтиёжни камайтирдик, экинни суғориш эса аввалги йиллардагига нисбатан бир мартага озайди. Гап шундаки, маҳаллий ўғит экин илдизини бақувват қилиб, тупроқдаги намликнинг узоқ муддат сақланишини таъминлайди.

Шу маънода, чиритилган маҳаллий ўғитнинг жорий мавсумдаги аҳамияти, айниқса, катта. Негаки, қиш нисбатан илиқ келган ҳозирги кунларда ғаллани "шарбат" усулида суғориш яхши самара беради. Биз ёз фаслидаёқ хонадонлардан, чорвачилик билан машғул деҳқон хўжаликларидан қорамол ва қўй нурисини тўплаб, компост қилиб қўйгандик. Ҳозиргача 13,6 гектар ғаллазорнинг ҳар гектарини ўн тоннадан гўнг билан озиқлантиришни таъминладик.

Шу билан бирга, кузда буғдойнинг нисбатан эрта экилгани уруғнинг бир текис униб чиқишига, экин илдизининг яхши ривожланишига имконият яратди. Бугунги кунга қадар ғаллазорларга икки бор "шарбат" оқизганимиздан кейин эса унинг ўсиши янада тезлашди.

Ихтисослигим агроном бўлгани боис яхши биламанки, чиритилган маҳаллий ўғитнинг таркиби азотли, фосфорли, калийли ўғитлар ва бошқа микроэлементларга бой. Бу экиннинг совуққа чидамлилигига замин яратибгина қолмай, балки ерни шўрланишдан асрайди. Шунинг учун биз қиш фаслини иш фасли, деб билиб, маҳаллий ўғит жамғариш, уни махсус ҳандақларда чиритиш тадбирларини кўраяпмиз. Бу каби юмушларни ташкил этишда "Қўнғирот" қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг кўмакдош бўлаётгани таҳсинга сазовордир. Хусусан, улар ҳудуддаги хонадонларда бўлиб, аҳолини маҳаллий ўғитни оғилхоналарда чиритиб, сўнгра томорқага, эҳтиёждан ортиқчасини эса далага чиқаришга даъват этаётганларини қўллаб-қувватлаймиз.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳозир ғаллазорларимиз ҳолати яхши. Бу жорий йилда ҳам ҳар гектар ердан етмиш центнердан ошириб ҳосил олишдан дарак беради, албатта.

**Музаффар ЗАЙНИДДИНОВ, фермер.**
Вобкент тумани

# ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЧАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҲАҚИДА

***Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузаси бўйича чет эл жамоатчилигининг мулоҳаза ва шарҳлари битилган мактублар келиши давом этмоқда.***

Хусусан, **Бремендаги "Германия — Ўзбекистон" жамияти раиси Э. Мочманн** Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар тўғрисида тўхталиб, мамлакат келгуси тараққиётини таъминлаш йўлидаги долзарб вазифалар ва сиёсий қарашларни аниқлаб берганини таъкидлади.

Германиялик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон Президенти тоталитар тузум ва режали иқтисодиёт тизимидан воз кечиб, "ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлатга ўтиш йўлини" аниқ белгилаб берди.

Мамлакатимиз раҳбари маърузасининг асосий моҳиятига тўхталар экан, у Президент Ислом Каримовнинг "Эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда

**Дунё нигоҳи**

эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос", деган сўзларини алоҳида олқишлайди.

Э. Мочманнинг таъкидлашича, "Ўзбекистон Президенти мамлакатдаги демократик жараёнларни тасвирлар экан, мустақиллик йилларида аҳамиятли муваффақиятларга эришилгани ва маълум бир босқичлар босиб ўтилганини, бироқ қўйилган асосий мақсадга ҳали етилмаганини тўғри қайд этади". Унинг фикрича, "Дунёда бир-икки кун ёки бир неча йиллар мобайнида ҳақиқий ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мумкин бўлган бирорта ҳам намунавий мамлакат йўқ. Ҳар қандай демократик жараён нафақат фаол ҳаракатларни, балки сабр-тоқатни ҳам талаб этади. Ҳар қандай мамлакатда демократик ислоҳотларни ўтказишда мазкур жиҳатни ҳисобга олиш зарурдир".

Бремендаги "Германия — Ўзбекистон" жамияти раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш улкан аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратади. Ушбу вазифалар олти йўналишдан иборат бўлиб, хусусан, ҳукумат ишини самарали тақсимлаш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва матбуот эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини ва демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш каби муҳим вазифаларни қамраб олади.

(Давоми 2-бетда).

***Навоийда 2010 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифалар ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Вилоят ҳокими Э. Турдимов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, Юртбошимиз раҳнамолигида Инқирозга қарши чоралар, маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурларининг изчил рўёбга чиқарилиши натижасида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Жумладан, ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 2,5 фоиз ўсишига эришилди. Шунингдек, ўсиш суръатлари қишлоқ хўжалигида 6,8 фоизга, қурилишда 21,8 фоизга, чакана савдо айланмасида 24,1 фоизга кўпайиб, белгиланган прогноз кўрсаткичлар ижроси тўлиқ таъминланди.

**Сарҳисоб**

Ўтган йили ҳудуднинг саноат салоҳиятини ошириш дастури доирасида 200 га яқин лойиҳа ҳаётга татбиқ этилганини таъкидлаш лозим. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли икки мингта янги иш ўрни яратилди, 23,8 миллиард сўмлик ва 8,2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш аввалги йиллардагига нисбатан анча юқори бўлди. Бунда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилгани муҳим аҳамият касб этди. Ана шу мақсад учун 3,3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

(Давоми 2-бетда).

# МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОМИЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

**Анжуман**

Таъкидландики, мамлакатимизда иқтисодий ривожлантиришнинг танлаб олинган "ўзбек модели" асосида пухта ўйланган ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бугунги мураккаб шароитда ҳам иқтисодиётимизда юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда. 2010 йили мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажми 8,5 фоиз кўпайгани бунинг яққол тасдиғидир.

Иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш тадбирларида, айтиш мумкинки, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат

(Давоми 2-бетда).

### Диққат, янги саҳифа:

# «Абадият гулшани»

***Алишер Навоий — ўзбек адабиётининг фахру ифтихори, миллатимизнинг маънавий ўзлигини оламшумул даражада намоён этган табаррук зот.***



Аввало, у миллий ўзликнинг бош негизи бўлган ўзбек тилини буюк адабий тил сифатида жаҳонга танитди. Бу тилда "Хамса"дай машҳур достонлар туркуми, тўрт йирик девондан иборат "Хазойин ул-маоний" сингари буюк шеърий дурдоналарни яратди. "Хамса" ҳақли равишда, Шарқ адабиётининг "Рамаяна", "Маҳобҳорат", "Шоҳнома" каби ўлмас ёдгорликлари қаторида туради.

Алишер Навоийнинг асарларидан бирида шундай мисра бор: "Яхшилар ичра Ватан тутса, Навоий...". Яъни у барибир яхши замонлар, яхши одамлар дунёга келишига ишонган. Навоий орзу қилган замон келди. Бобокалонимизнинг нурли хотираси ва мероси Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб Ватан, эл эътиборида. Президентимизнинг юксак эътиборида. Улуғ шоир, чиндан ҳам, бугун яхшилар ичра Ватан тутди. Эзгулик, адолат қарор топди.

Жорий йилда Алишер Навоий таваллудига 570 йил тўлади. Шу муносабат билан "Халқ сўзи" газетасида "Абадият гулшани" деб номланган янги саҳифа ташкил этилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад, улуғ бобокалонимизнинг асарларини чуқур англашга интилишдир. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек: "Барча олижаноб ишларимизда Навоий ғоялари, Навоий ибрати, Навоий руҳи ҳамиша бизга ҳамроҳ бўлсин!"

4-бетга қаранг

# ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

эришишга доир дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, хусусий мулкнинг ишончли ҳимоя қилинишини ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун имкон қадар қулай ишчанлик муҳитини яратиш, шу асосда аҳоли бандлигини ва фаровонлигини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширишга таалluқли эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, 2010 йилда Ўзбекистон Республикасида аҳолининг реал даромадлари, давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланган харажатлар жиддий ўсганлигига, одамларнинг турмуш шароити яхшиланганлигига эътибор қаратдилар. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳар йили профицит билан ижро этилиши мамлакат иқтисодиёти илдам ривожланиб бораётганлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Тарих ўлчови билан қараганда, мустақил ривожланишнинг қисқа даври ичида мамлакатимиз умрини ўтаб бўлган режали-тақсимот тизимига, ҳаддан зиёд хом ашё тайёрловчи иқтисодиётга эга бўлган Ўзбекистон ҳозирги кунга келиб, жаҳон ҳамжамияти олдидаги ўз қиёфаси ва ўрнини тубдан ўзгартириб юборган марраларга эришди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги демократик ислоҳотлар ва эркинлаштиришни чуқурлаштиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичига қадам қўйганлигини таъкидладилар. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов ҳозирги дунё воқелиги ва янги давр талабларига мувофиқ равишда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш вазифасини ўртага қўйди. Ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунда рўёбга чиқарилаётган моделнинг мазмун-моҳияти иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш ва унинг сиёсатдан устунлиги, давлат зиммасига бош ислоҳотчи вазифасини юклаш, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги ва изчиллиги каби принципларга асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши ошганлигини 2010 йилдаги иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида таъкидладилар. Бу ҳол янги иш ўринлари яратиш ва Ўзбекистоннинг бир қатор минтақаларида аҳолининг бандлиги билан боғлиқ вазиятни яхшилаш, кўплаб долзарб ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини берди. Бунда касаначиликнинг жадал ривожланаётганлиги хотин-қизларни ижтимоий фойдали ишга жалб этиш учун алоҳида аҳамият касб этди. Сўзга чиққанлар Олий Мажлис томонидан қабул қилинган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан эълон қилинган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бўйича тадбирларни жойларда амалда рўёбга чиқариш муҳим эканлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар. Буларнинг барчаси аҳоли даромадларининг даражаси ва тузилмасидаги изчил сифат ўзгаришларнинг, халқимиз фаровонлиги ошаётганлигининг, Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишга доир ижтимоий муаммолар ҳал этилаётганлигининг ёрқин намойишидир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари таъкидладиларки, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаровонлик борасида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин. Барча минтақаларда тураржой шароитларини яхшилаш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва саноат объектларининг теварак атрофидаги экологик вазиятни яхшилаш борасида тизимли иш олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий лойиҳалар бўйича барча қулайликларга эга бўлган якка тартибдаги тураржойларни комплекс қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда шу мақсадда қисқа муддат ичида узоқ истиқболга мўлжалланган қудратли лойиҳа, саноат-қурилиш, муҳандислик-техника базаси яратилди. Айни бир вақтнинг ўзида давлат ҳисобидан газ тармоқлари, ичимлик суви қувурлари ўтказиш, электр узатиш линиялари, шунингдек, ички йўллар қурилиши тез суръатларда давом этмоқда. Бу ишларнинг барчаси қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Муҳокама вақтида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда ва давлатимиз раҳбари томонидан ўртага қўйилган вазифаларни самарали бажариш, жорий йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг Президент Ислом Каримов томонидан таклиф этилган дастурини ҳуқуқий жиҳатдан ўз вақтида таъминлаш мақсадида депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарорини қабул қилдилар. Унда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий қоидалари ва хулосаларини маъқуллаб, қўмиталар олдига қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти режаларида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий устуворликларини ҳисобга олиш вазифасини қўйди. Сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳига ўз амалий фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасидаги қоидаларга асосланиш тавсия этилди. Қонунчилик палатаси депутатларига сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш давомида, шунингдек, мамлакатимиз минтақаларидаги бошқа тадбирларда иштирок этганда, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада эришган ютуқлари тўғрисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси якунларидан келиб чиқувчи асосий вазифалар ҳақида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг партия гуруҳлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда кенг тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси юкланди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати.**

# ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО

## тараққиётнинг ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ва “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини янада такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирликлар, қўмита ва агентликлар вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этди.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Таъкидланганидек, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг учун соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва уни замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиш зарур. Хусусан, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Натижада мамлакатимизда электрон рақамли имзони қўллаш миллий тизими шаклланди ҳамда соҳа тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозир 8 та электрон рақамли имзо калитларини ҳисобга олиш маркази самарали фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди. Маълумотларга кўра, юртимизда электрон рақамли имзодан фойдаланувчилар сони 150 мингтадан ошиб кетди.

Бундай ютуқлар билан бирга, соҳада ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам мавжуд. Хусусан, ҳуқуқий шарт-шароит ва қулайликлар яратилган бўлишига қарамай, электрон имзоларнинг оммалашиши, жадал ривожланиши суст бормоқда. Бу ҳол, тадбирда айтилганидек, соҳага оид амалдаги қонунларнинг айрим модда ва нормалари билан бошқа қонунлар ўртасида номувофиқликлар борлиги сабабли юзага келмоқда. Шундан келиб чиқиб, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ва “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда.

— Соҳага оид амалдаги қонунларни чуқур таҳлил қилиб, улардаги камчилик ва нуқсонларни ўрганиб чиқдик, — дейди қўмита аъзоси Ф. Холбоев. — Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мазкур қонунларни халқаро ҳуқуқнинг электрон рақамли имзони қўллашга оид нормалари билан уйғунлаштириш ҳамда амалиётда келиб чиқаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида уларнинг айрим меъёрларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилмоқда. Қонун лойиҳасида шу йўналишда фаолият юритиб келаётган идораларнинг вазифа ва ваколатларини аниқлаштириш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш тамойиллари ва юридик шахснинг электрон рақамли имзосининг мақомини аниқ белгилаб бериш ҳам кўзда тутилаётир. Айни пайтда унда электрон рақамли имзони олиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштиришга алоҳида урғу берилмоқда.

Тадбирда парламент аъзолари ва давлат бошқарув органларининг ушбу соҳани ривожлантириш билан боғлиқ вазифалари хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, электрон рақамли имзони оммалаштириш, уни ўқув юртлари, бюджет ва жамоат ташкилотларига имтиёзли фойдаланиш шарти билан тақдим этиш зарурлиги айтилди. Бунда, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим эканлиги алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбатида “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ва “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўйича бошқа таклиф ҳамда тавсиялар ҳам билдирилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида ҳам ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, тармоқда ўсиш ҳажми 2009 йилдагига нисбатан 17,9 фоизга кўпайиши таъминланди. Чунончи, 749 та хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаси ташкил этилди. Уларнинг 68,4 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани эътиборлидир. Умуман, 2010 йили вилоятда 1611,7 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилиб, унинг қарийб 88,2 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга йўналтирилди.

Ўтган даврда аҳолининг ичимлик суви ва табиий газга бўлган талабини қондириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 409,2 километрлик сув, 29,7 километрлик газ қувурлари янгидан ётқизилганлиги бунинг далилидир. Ҳудудий бандлик дастури доирасида мўлжалдаги 40,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил этишга эришилгани, уларнинг 31,5 мингтаси ёки 77,8 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келгани, айниқса, қувонарлидир.

Йиғилишда, шунингдек, халқ хўжалигининг айрим тармоқлари ва корхоналар фаолиятида бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид қилинди. Қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмаяпти, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар фаолиятини кенгайтириш лозим. Ўтган йил мобайнида йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, мақсадли дастурлар ижроси изчиллигини таъминлаш масалалари таҳлил қилиниб, 2011 йилги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов сўзга чиқди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

# ЗАМОНАВИЙ, ИШОНЧЛИ, ҚУЛАЙ

(Давоми. Боши 1-бетда).

70,5 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб, унинг хавфсизлик ва даромадбоплик нуқтаи назаридан анча маъқул эканлиги амалиётда ўз тасдиғини топди. Бинобарин, 2011 йил давомида ҳаво йўлларимиз яна бешта “А-320-200” самолётини қабул қилиб олади. Техник ва технологик жиҳатдан эскирган “Ту-154” русумидаги самолётлар эса 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб фойдаланишдан чиқарилди.

Қолаверса, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси рейсларида ўзимизда ишлаб чиқарилган ва янги модификациядаги “Ил —114-100” самолётидан самарали фойдаланиб келинмоқда. У замонавий бозор талабларига тўла жавоб беради, ёнилғи сарфлашда ниҳоятда тежамкор, ташқи кўриниши бежирим. Самолётдаги ҳаво намлигини сақлаш ва шамоллаш тизимининг узлуксиз ишлаши маҳаллий шароит учун ҳам жуда мосдир.

Энг муҳими, 2010 йил давомида хавфсизлик, авиация техникаси созлиги, таъмирлаш жараёнларини такомиллаштириш билан боғлиқ хизматларни халқаро стандартларга жавоб берадиган тарзда кўрсатиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга бўлган эътибор янада кучайтирилди. Шундан келиб чиқиб, миллий авиакомпания парки босқичма-босқич қайта қуроллантирилиб, ёшартириб борилмоқда.

Бунда “ИАТ” авиакорхонасининг ўрни беқиёс. Мазкур жамоа нафақат “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, балки хориж авиакомпанияларининг самолётларига ҳам мунтазам ва сифатли техник хизмат кўрсатиб келмоқда. Эътиборлиси, корхона янги хизмат турларини тезда ўзлаштириб, амалиётга жорий этаяпти. Бундан ташқари, “А-320-200” самолётларини учишга шай ҳолатга келтиришда катта ҳисса қўшмоқда. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилгани, техник сервис кўрсатиш хизмати зарур материалларнинг 95 фоизи билан таъминлангани айни муддао бўлди.




Жаҳоннинг кўплаб авиаташкилотлари инқироз асоратлари ҳамон сезилаётган шароитда модернизация суръатлари, парвозлар барқарорлигини юқори савияда таъминлашнинг уддасидан чиқа олмаётганидан хабарингиз бор. Масалан, ноқулай даврда дунёнинг Буюк Британия, Франция, АҚШ, Германия, Испания каби бир нечта ривожланган давлатлари авиакомпаниялари ғоятда мураккаб аҳволга тушиб қолдики, натижада улар ҳаво йўллари соҳасида иш ўринлари ва ойлик маошларни қисқартиришга мажбур бўлди.

Мамлакатимизда эса жаҳон миқёсида тан олинган тараққиётнинг “ўзбек модели” тамойилларининг амалиётга босқичма-босқич татбиқ этиб борилаётгани барча, шу жумладан, ҳаво йўллари ҳамда логистика жабҳасида кўзланган натижаларга эришишга замин яратди. Халқаро транспорт тизимининг глобал тармоғида барқарор ўрин эгаллаган “Навоий” аэропорти негизидаги Халқаро интермодал логистика марказини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар бунинг ёрқин ифодасидир. Масалан, ўтган йил август ойида Навоийда юкни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ барча турдаги транспорт хизматларини амалга ошириш қувватига эга янги юк терминали ишга туширилди. Пировардида юк ташиш ҳажми 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан 63 фоизга ошди. Бошқача айтганда, қарийб 50 минг тонна юк ўз вақтида белгиланган манзилга етказилди. Уларнинг аксарият қисми “Навоий” аэропортидан жўнатилгани алоҳида эътиборга лойиқ. Бу борадаги самаралар баравжлигини сақлаш учун Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Жорий йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси мазкур аэропорт оператори бўлмиш “Кореан Эйр” компанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириш ишларини давом эттириши зарур”.

Авиакомпания Мадрид ва Калининград шаҳарларига янги рейслар очгани, Нью-Йорк, Киев, Сеул, Бангкок, Алмати йўналишларига қатновлар сонини оширганини ҳам шу ўринда келтириб ўтиш лозим. Жорий йилда миллий авиакомпаниямиз ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда. Хабаровск (Россия), Мумбай (Ҳиндистон), Исломобод (Покистон) йўналишлари бўйича янги, тўғридан-тўғри авиақатновлар амалга оширилади. Ҳозирги кунда авиаташув тизимини янада такомиллаштириш ва Халқаро авиасотувлар тизими (BSP)га ўтиш ҳамда Халқаро авиация альянси (“SkyTeam”) таркибига кириш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада кўзланган марраларни забт этиш ҳаво йўлларимизнинг дунё миқёсида тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, қатор преференцияларга эга бўлиш, рейслар географиясини кўпайтириш, шу орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва юк ташиш тизимини жадал ривожлантириш, юртимиз авиасаноати ва туризм индустриясининг изчил равнақ топишига пойдевор бўлади. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ишчи-ходимлари фаровонлигига катта эътибор берилаётгани эса иш унумдорлигининг ошишида катта аҳамият касб этаяпти.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўмитаси фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ўтган йили иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва уларни мулкий мажмуа сифатида янги мулкдорларга инвестициявий мажбуриятлар билан сотиш борасида муайян ишлар қилинди. Бошқача айтганда, 814 та корхонани молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш салоҳиятини тиклаш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида уларнинг 82 фоизида маҳсулот тайёрлаш ҳажми сезиларли даражада ошди. Қолганларида эса техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизациялаш ҳамда реконструкция ишлари жадал олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бозорларни ўрганиш ва рақобатга баҳо бериш мақсадида 138 та бозор фаолияти таҳлил қилинди. Шундан келиб чиқиб, қўмитанинг қарорлари асосида биржа савдоларига 50,6 млрд. сўмлик монопол маҳсулотлар қўйилди. Ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра эса, қўшимча равишда яна 4 та монопол маҳсулот биржа савдоларига чиқарилди. Тегишли қонунлар ижроси юзасидан текширишлар чоғида 29,5 млрд. сўмлик турли кўринишдаги қонунбузарликлар аниқланиб, шундан 6,2 млрд. сўми истеъмолчилар билан қайта ҳисоб-китоб қилингани, айниқса, эътиборга моликдир. Умуман олганда, ўтказилган мониторинг хулосаларига кўра, 479,8 млн. сўм миқдоридаги маблағ истеъмолчилар билан қайта ҳисоб-китоб қилиниб, қонунбузарликлар бўйича 949 та ёзма кўрсатма берилди.

Йиғилишда ҳудудий бошқармаларнинг фаолияти танқидий кўриб чиқилиб, йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинди. Тизимда учраётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва қўмитанинг устувор вазифалари белгилаб олинди.

**Қўмита Матбуот хизмати.**

# ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЧАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлат раҳбари ғояларини қўллаб-қувватлар экан, Э. Мочманн “Ўзбекистон Президенти белгиланган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш йўлини аниқ ифодалаб берди”, дея таъкидлади. Немис мутахассисининг фикрича, “Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатда илгари сурган демократик ислоҳотларни янада кучайтириш, жумладан, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини фақат олқишлаш керак”.

Шу ўринда Э. Мочманн Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни амалга оширишда мамлакатнинг географик жойлашуви, кўп динли ва кўп миллатли экани алоҳида ўрин тутиши, бу борада қувонарлиси, дин эркинлигини таъминлаш мамлакат Конституциясининг таркибий қисми ҳисобланишини қайд этди.

Ўзбекистонда демократик ривожланиш жараёнида яна бир муҳим воқелик сифатида немис мутахассиси мамлакатда 2008 йилдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши ва болалар меҳнатининг тақиқланиши масалаларини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан Э. Мочманн Ўзбекистонда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича конвенцияси ратификация қилингани, мамлакатда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кўплаб қонунлар қабул қилинганини қайд этади. 2009 йилда мамлакат парламенти қонунчиликда болалар меҳнатидан фойдаланишга нисбатан талабчанликни янада оширди.

— 2009 йил декабрь ойида Ўзбекистон парламентига ўтказилган сайловлар демократик ислоҳотларнинг муҳим босқичи бўлди. Ушбу нуфузли тадбирда қатнашган халқаро кузатувчилар сайловларнинг ошкора ва фуқароларнинг юксак сайлов маданиятини намоён этгани ҳолда ўтганлигини тасдиқладилар. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, парламент депутатларининг 22 фоизи хотин-қизлардан иборат, — дея қайд этди у.

“Ўзбекистон томонидан белгилаб олинган мақсад — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш йўналишида ривожланиш — юксак эътиборга лойиқдир”, дея ўз мулоҳазаларини якунлади Э. Мочманн.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Адлия вазири Р. Муҳитдинов бошқарган тадбирда тизим идоралари ва муассасаларининг 2010 йилги фаолияти сарҳисоб қилиниб, жорий йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.***

# ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ — БОШ МЕЗОН

**Сарҳисоб**

Унда таъкидланганидек, ўтган йили адлия идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1141 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, улар юзасидан тегишли хулосалар тайёрланди. 319 та идоравий меъёрий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилиб, 1293 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олинди. Айни чоғда фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва қўшма корхоналар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 8 мингдан кўпроқ текширув ўтказилиб, ушбу жараёнда 203 мингдан зиёд қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Пировардида 7 минг 800 нафар шахсга интизомий, 353 нафарига маъмурий, 29 нафарига жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилди. Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли 21,9 миллиард сўм маблағ эгаларига қайтарилгани, айниқса, эътиборлидир.

Тадбирда, шунингдек, Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зеро, ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда адлия идораларининг салмоқли ўрни бор. Шундан келиб чиқиб, адлия идораларида ташкил этилган “Ишонч телефонлари”га бўлаётган мурожаатларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасидаги фаолиятни кучайтириш зарурлиги алоҳида айтиб ўтилди. Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁлар фаолиятини бугунги кун талаби даражасига кўтаришни ҳам давр тақозо этмоқда.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати.**

***Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.***

**Ислом КАРИМОВ**



# НАВОИЙНИНГ ЎТИНЧИ

*Улуғ шоир "Хамса" асарининг бешинчи достонини тугаллаш арафасида чуқур ўйга чўмиб қолади. Гарчанд эндигина 43 ёшга кирган бўлса-да, кўрган-кечирганлари шу қадар мураккаб ва зиддиятларга лиммо-лим эдики, унга қандай дош берганлигидан қалбида чексиз изтироблар уйғонарди. Шунда ҳар қандай сафар якунига етишини, лекин бу якун аросатда эмас, муҳаббат ва меҳрга қайтиш билан тугалланиши лозимлигини ҳис этади.*

Шу маънода, Навоий бешинчи достонда Искандар Кирвон халқини Яъжуж зулмидан қутқариш учун баланд Садд деворини қурдирганидан сўнг асл ватани Румга қайтишини тасвирлаб бўлгач, беихтиёр қалбидаги безовта туйғулар изҳорига ўтади.

### Уйғоқлик

***Ватан таркини бир нафас айлама,***
***Яна ранжи, ғурбат ҳавас айлама.***

Қайсидир жиҳатдан, бу байт Навоийнинг ўтинчи ҳамда васиятига ўхшаб кўринади. Аввало, шоир томонидан "Ватан тарки" — инсоннинг ўзидан қочиши, ўзлигини рад этиши сифатида одамийлик фалсафасига зид келиши билдирилади. Иккинчидан, фанодаги азизлик маскани — Ватандан "юз қаролиғ"га қараб дарбадарликни раво кўриш оқибати — фожиасидан огоҳлантиради.

Ваҳолонки, ўтган замонларда ҳам, ҳозир ҳам отамаконга сиғмай, ундан воз кечиб, беш кунлик ялтироқ, ичи бўш фароғатни излаб ўзга юртга кетганлар кам эмас...

***Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,***
***Тила хилвату анжуман ичра бўл.***

Бу сатрнинг маъноси "Ватан ишқида унинг ичида кез, уни севмоқ учун макон ва фурсат топ, вале мудом унинг воқеа-ҳодисалари ичида яша, лоқайдлик қилма, Ватан тақдирига куюн, бегоналик айлама", деганидир.

***Десанг бас ариғ нуктаву қон ёшим,***
***Дурру-лаълдин зебу зийнат санга.***

***Десанг хилватим анжуман бўлмасун,***
***Керак анжуман ичра хилват санга.***

***Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,***
***Сафардин агар бўлса меҳнат санга.***

***Назарни қадамдан йироқ солмағил,***
***Бу йўл азми гар бўлса меҳнат санга.***

***Дилингдин йироқ тутмағил ҳушни,***
***Ки, юзланмагай ҳар дам офат санга.***

Шоир ёзади:

***Сафар азми дўзахқа сонийдурур.***
***Ватан хубби имон нишонидурур.***

Сафарга отланиш... дўзах азобларига шайлик кабидир, Ватанга муҳаббат — Ватанни севиш эса имоннинг нишонидир. Агар инсонга имон тақдир этилган бўлса, барча гуноҳлари кечирилиб, жаннат насиб бўлади.

Навоийнинг яна бир тилаги — бу дунё ўткинчи, ҳамма одам йўқликка кетади. Искандар каби жаҳон мулкларию баҳру бар — денгиз ва қуруқликларни олсанг ҳам барибир уларни ташлаб кетгунгдир. Модомики, шундай экан, шамолдек енгилтакликни рад этиб, тоғдек виқорли бўл, дўстлар суҳбати, улфатлар билан учрашувни ғанимат бил, уларга мададкор бўл, чунки булар ноёб гавҳардек бебаҳо.

Бинобарин, дўстларга мададкор бўлиш, уларни қадрлаш ҳақидаги фикрлар замирида жамият ва сиёсат учун ғоят зарур бўлган ҳамжиҳатлик ғояси ётади.

Хуллас, Навоийдек ҳаётни севиш, инсон табиатидан воқиф бўлиш, Ватан ичида яшамоқ, у билан тақдирдошлик, баски, бунёдкорлик, олижаноблик сари интилиш, изланиш, сабрли бўлиш — саодатмандликка элтади. Ана шундагина инсон одамийлик мартабасига муносиб, Ватан ташқарисида маънавий хору зорликда эмас, Ватан кўзу қароғида иззат-икром кўриб яшаб ўтади.

**Суйима ҒАНИЕВА,**
**профессор.**

### Ҳикмат

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.

* * *

**Ҳар нафасинг ҳолидан огоҳ бўл,**
**Балки анга хуш ила ҳамроҳ бўл.**

* * *

Они доғи дема сахийким, киши
То тиламас, бермак эмасдур иши.

* * *

**Ҳунарни асрабон неткумдур охир,**
**Олиб туфроққаму кеткумдур охир?!**

* * *

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен — ўзунгдин истагил.

**Жондин сени кўп севармен,**
**эй умри азиз,**
**Сондин сени кўп севармен,**
**эй умри азиз.**
**Ҳар неники севмак ондин**
**ортуқ бўлмас,**
**Ондин сени кўп севармен,**
**эй умри азиз.**

# Абадият гулшани



**Талабалик чоғларимизда устозларимиздан бирининг "Иш кунимни Навоий ғазаллари мутолаасидан бошлайман", деган сўзларини эшитиб қолгандим. Шундан буён, не бахтки, мен ҳам ҳар куни буюк сўз заргари хазинасига кўнглим билан йўл оламан. Ҳар ўқилган мисра, байт, матлаъ олам-олам ҳузур бағишлайди. Гўёки покланаман, бамисли Хизр чашмасидан сув ичгандек, руҳим севинчларга тўлади.**

# ...НАВОСОЗИ БЎЛ

Алишер Навоий "Хамса"сининг "Садди Искандарий" достонидаги саксон саккизинчи бобида қуйидаги мисралар бор.

***Навосиз улуснинг***
***навобахши бўл,***
***Навоий ёмон бўлса,***
***сен яхши бўл.***

Маълумки, бу Навоийнинг номуросалик йўлини танлаган укаси Дарвешалини муросага чақириб ёзилган мактубидаги шоҳбайт. Бундай қаралса, у шунчаки бир насиҳатдек туюлиши мумкин. Чуқур разм солинса, ундаги ҳар бир сўз — қадри бебаҳо ҳикмат. Улуснинг навобахшиси — ҳамдарди, меҳрибони, кўмакчиси, куйчиси бўлиш — улкан масъулият. Адоват, ғараз нотинчликни келтириб чиқаради. Элнинг навосизлиги, ғам-алами нотинчлик боис офатга айланади. Навоийдек бир умр халқ ғамида яшаган инсон ёмон бўлса, сен ундан-да яхшироқ бўлишга интил, ундан-да оқил, раҳмли, оқибатли, олижаноб бўл.

Бугун Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнаётган, ёрқин уфқлар сари интилаётган диёр. Ундаги ҳар бир ҳикмат — тинчлик, бағрикенглик, аҳиллик, дўстлик, биродарликка асосланади.

### Инсон ўзинг...

Қаранг, Навоийнинг ушбу байти нақадар замонамиз билан ҳамоҳанг. Қолаверса, бу панду насиҳат ҳозир, эртага, индинга ҳам долзарблигича қолаверади. Ҳар бир оила маънавиятида, фарзандлар тарбиясида, миллат салоҳиятида катта аҳамият касб этаверади.

Яхши бўлиш — инсон матлаби. Қани эди, инсон ўз қусурларини енгиб ўтиб, ҳамиша олий даражада яхши бўлса. Бинобарин, ҳар биримиз озод ва обод Ватанимизга шу қадар яхши бўлиб, навосозликни юракдан билиб хизмат қилолсак. Ахир Юртбошимиз таъкидлаганларидек "Ободлик кўнгилдан бошланади". Кўнгилни обод қилмоқ эса чин инсонийлик иши, ҳаётнинг мағзи.

Бадан ювилмаса кирланганидек, қалбимиз ҳам мунтазам покланишга муҳтож. Бу эса Навоийни зикр этганда амалга ошади. Алишер Навоий дейди:

***Кимки, жаҳон аҳлина***
***инсон эрур,***
***Билки, нишона анга***
***иймон эрур.***

Биз инсонмиз. Бизнинг нишонамиз имон. Алалхусус, имон ва инсон икки қанот. Шу боис орзуларимиз парвоз қилди, деймиз. Орзуларимиз парвози эса, шаксиз, Навоий таъкидлаганидек, навосозлигимизга ва эзгу амалларимизга боғлиқ.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
**ЎзМУ доценти.**



*Навоийнинг буюк мероси ҳар бир оила маънавиятида, фарзандлар тарбиясида, миллий салоҳиятида катта аҳамият касб этаверади.*

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# НАВОБАХШ, РУҲПАРВАР САЙЁҲ

*Жаҳон адабиёти хазинасини гўзал асарлари билан безаган ижодкорларнинг инсоният тарихида мақоми юксак. Олмонлар И. В. Гёте, французлар О. Бальзак, руслар Л. Н. Толстой билан фахрланади. Алишер Навоий эса ўзбек миллатининг ифтихори.*

Зотан, миллий адабиёт тимсоли бўлиб тарихда қолиш жуда кам ижодкорлар пешонасига битилган қисматдир. Инсон қалбидан, маънавий-руҳий оламидан баҳс юритиб, абадиятга дахлдор муносиб бадиий сўз айтиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди...

Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"да ижод аҳлини

### Ҳайрат

"назм гулистонининг хушнағма қушлари" деб таърифлайди: "Қиладиган ишлари маънолар хазинасидан жавоҳирлар териш ва у жавоҳирларни эл эзгулиги учун назм ипига тизиш" бўлган шоирларни жуда юқори ўринга қўяди. "Хазойин ул-маоний"даги навобахшликни, эл-улус дарду ғамидан сўйламоқни қалби кўзгусида намоён этган шоирнинг ўзи ҳам шу юксак мақомга лойиқдир.

Шоир ўз асарларида қайси мавзуни муҳокама қилмасин, руҳият табиби сифатида дил хасталиклари учун дармондорилар тавсия қилади. Инсоннинг кимлиги ботини ҳамда зоҳиридан билинади: "очуқ чеҳра" бу покизаликдан, "тоза гулдин нишон". "Аҳли диллар чеҳраси олтун, сиришки сийм (кўзёшлари кумуш) эрур".

Алишер Навоийнинг поэтик олами ўзбек халқининг бадиий-фалсафий тафаккурининг беқиёс уфқларини акс эттиради. Қалами билан "черик чекмай Хитодин то Хуросон"ни ўз тасарруфига олган бу улуғ шоирнинг дил сўзи, қалби махзанидаги жавоҳир ҳар бир кишининг юрак юрагига, руҳияти пучмоқларигача етиб боради.

Навоийнинг сўзи ватанпарварликка, халқсеварликка, инсофга, адолатга, тўғриликка чорловдир. Ғурбат — мусофирлик, Ватандан йироқлик. Бу туйғу ҳеч кимни асло шод қилмайди. Шоир лафзи оддий сўзлар йиғиндиси эмас, балки навобахш, ишқли ва маънили сўз, руҳпарвар, кўламдор ва боқий сўз. Аслида "Навоийни ишқ ўлтурур, тиргузур ҳам". Яна шоир айтадики, "Сўзки, маъносида ишқ ўти нишони бўлмагай, бир таҳарруксиз бадан англаки, жони бўлмағай". Шоирнинг кўнгил яраси элнинг панд-насиҳат игнасидан малҳам топади. Шу боис унга кимдир юз жафо қилса ҳам, асло фарёд этмайди. Аммо "элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд" қилади.

"Ҳайрат ул-аброр"да ёзади:

***"Одами эрсанг,***
***демагил одами,***
***Ониким йўқ халқ***
***ғамидин ғами".***

Шоир ижодининг етакчи пафоси — олам ва одам ғами.

Одамлар дардига малҳам бўлиш, юксак хулқ-адаб, эзгулик, ҳаё билан яшаш — шоирнинг, лирик ва эпик қаҳрамонларининг ҳаёт тарзи бу; бировга насиҳати ҳам шу.

***"Ҳаёву адаб бирла***
***тузгил маош,***
***Яна айла таъзиму***
***ҳурматни фош,***
***Не эл ёри бўлсанг***
***алар ранги бўл,***
***Нечук бор эсанг,***
***тутқил ул сори йўл".***

Навоий ана шундай оромсўз, дилсўз жавоҳирлар хазинасининг эгасидир. Бу кўнгил хазинаси — бебаҳо ва мўъжизавий бир мулк-мамлакат. Шоирнинг таъкидлашича, "бир дам аждаҳодин холи эрмас махзани". Ҳаётда унинг кўнглига баъзан тажовуз қиладиган жоҳил кимсалар учраши ҳам табиий. Шундай васвасали жараёнда ўзликни, маънавиятни, шахсиятни асраб қолиш даҳо Навоийга насиб қилди.

Шоир гоҳ кўнгил боғида боғбон; гоҳ ишқ даштида ошиқ. Аммо бу водийда одам ўзини "осудахотир кўрмасун". Чунки бу ғаройиб ўлканинг, оромбахши дарднинг "Ки шарҳин тиласанг, юз рисола бўлғусидур".

Алишер Навоий беш аср муқаддам инсоннинг кўнгил оламига қараб, ўзлик сари йўлга чиққан буюк бир жаҳонгашта сайёҳдир. У кўнгилларни зиёрат қилади. Навоий — навобахш, руҳпарвар сайёҳ. Бу улуғ сайёҳ башариятга бир дунё гўзаллик, завқ-шавқ улашади. Бу олам моҳиятини англатади, "яхшилик била от" қолдириш "ажаб саодат" эканидан таълим беради.

**Баҳодир КАРИМ,**
**филология фанлари доктори.**

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,*
*Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.*

*Лаҳза-лаҳза чиқтим-у, чектим йўлида интизор,*
*Келди жон оғзимға-ю, ул шўхи бадхў келмади.*

*Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,*
*Рўзгоримдек ҳам ўлғанда қаронғу келмади.*

*Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,*
*Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.*

*Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени*
*Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.*

*Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,*
*Йўлғаким аввал қадам, маъшуқи ўтру келмади.*

*Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,*
*Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.*

# БЕБАҲО ХАЗИНА



**• 1470 йилларнинг охирларида Алишер Навоий ўзининг ўзбек тилида ёзган шеърларидан иборат илк девони — "Бадоеъ ул-бидоя" ("Бадиийлик ибтидоси")ни тузди. Ушбу девонда 777 ғазал, 85 рубоий, 52 муаммо, 46 қитъа, 53 фард, 11 туюқ, 10 луғз, 3 мустазод, 5 мухаммас, 3 таржеъбанд, 2 мусаддас бўлиб, бундай мукаммал девонни тузиш Навоийгача камдан-кам ўзбек шоирига насиб этган.**

• У ўзбекча шеърлари асосида 1480 йилларнинг охирида "Наводир ун-ниҳоя" ("Беҳад нодирликлар") девонини тузади. 1481 — 1482 йилларда Алишер Навоий "Чиҳл ҳадис" ("Қирқ ҳадис" ёки "Арбаъин") асарини ёзади. У 1485 йил муаммо ёзиш қоидалари ҳақида махсус "Муфрадот" асарини яратган.

**• Алишер Навоийда "Хамса" — беш достон яратиш мақсади ёшлигидан бўлган. Ушбу мақсадини 1483 — 1485 йилларда амалга оширади.**

### Ифтихор

**Асар ўзбек адабиёти шуҳратини оламга ёйиб, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бирига айланди.**

• "Хамса" ўз ичига беш достонни қамраб олган бўлиб, унинг биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр" ("Яхши кишиларнинг ҳайратланиши")ни 1483 йилда ёзган. Кейин "Фарҳод ва Ширин" (1484), "Лайли ва Мажнун" (1484), "Сабъаи сайёра" ("Етти сайёра") (1484) достонларини ёзган. 1485 йилда "Хамса"нинг охирги достони — "Садди Искандарий"ни поёнига етказади.

**• Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий боғи, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти, Адабиёт музейи, Тошкентдаги Катта академик опера ва балет театри, Самарқанд давлат университети, вилоят, шаҳар, метро бекати, мактаблар ва кўчаларга, маҳаллаларга унинг номи берилган.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 73650 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5